

**Ушбу низом 08 сентябр 2014 йилда «Universal sug'urta» АЖ акциядорлар умумий йиғилишида рус тилида тасдиқланган, узбек тилига рус тилидан таржима қилинган.**

«Universal sug'urta» АЖ акциядорларининг  
2014 йил 08 сентябрдаги навбатдан ташқари  
умумий йиғилишининг 4-сонли  
баённомасига илова

"Тасдиқланган"  
«Universal sug'urta» АЖ акциядорлар  
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг  
раиси  
Рахимова Р. В.

## **"Universal Sug'urta" АЖ Ижроия органи тўғрисида НИЗОМИ**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyati (бундан буён матнда "Жамият") ижроия органининг мақомини ва ижро органининг ишини белгилайди, уни тайинлаш тартибини, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижроия органи деб бош директор хисобланади.

1.2. Низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрирда) ва «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatining Устави асосида ишлаб чиқилган.

### **II. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

2.1. Бош директор компания Кузатув Кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

2.2. Бош директор лавозимига кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор оддий кўпчилик овоз билан Кузатувчи кенгаш томонидан қабул қилинади.

2.3. Кузатув кенгаши Бош директор билан контракт (меҳнат шартномани) тузиш шартларини, ҳақ ва компенсация миқдорини белгилайди.

2.4. Бош директор лавозимига номзодлар ўз номзодларини кўриб чиқишда Кузатув Кенгаши йиғилишида иштирок этишлари шарт.

2.5. Бош директор лавозимига номзод сайланганидан (тайинланганидан) кейин Кузатув кенгаши у билан бир йил муддатга ўз вазифаларини бажариш учун шартнома тузади ва унинг фаолияти натижаларига кўра хар йили шартномани узайтириш ёки тугатиш имкони мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

2.6. Жамият номидан контракт (меҳнат шартнома) Кузатув кенгаши раиси ёки жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

2.7. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва меҳнат шартномада (контрактда) белгиланган бўлиши керак.

2.8. Жамият Бош директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришига фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.9. Бош директор шартнома шартларини бузса, Кузатов кенгаши меҳнат шартномани (контрактни) бекор қилишга (туғатишга) ҳақлидир.

2.10. Жамият Кузатов кенгаши, агар Бош директор жамият уставини қўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятга зарар етказса, у билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш (туғатиш) ҳуқуқига эга.

2.11. Агар жамият Кузатов Кенгаши Бош директорнинг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, жамият бош директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала шу мажлисда ҳал қилиниши ёки кузатов Кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун вақтинча ижроия органи раҳбари вазифасини бажарувчини тайинлаб қолдирилиши мумкин.

### **III. БОШ ДИРЕКТОР ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бош директор ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига ёки Кузатовчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.2. Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатов кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

3.3. Бош директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишончномасиз акциядорлик жамият номидан иш юритиш, барча ташкилот ва корхоналарда Жамият манфаатларини ифодалаш;

- мол-мулк ва маблағларни акциядорлик жамиятининг Уставида ёки бошқа ҳужжатида назарда тутилган доирада тасарруф этиш;

- шартнома ва контрактлар тузиш, шу жумладан меҳнат шартномаларини;

- ишончнома бериш;

- банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган топшириқларни, буйруқларни ва кўрсатмаларни бериш;

- ходимлар жадвалини тасдиқлаш, ва уни тулдириш.

3.4. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида компаниянинг жорий фаолиятини бошқаришни амалга ошириш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш, Акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига ёки Кузатовчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатов кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

- жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг, шу жумладан минтақавий филиалларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- хизматлар ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойдани таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонунчилик талабларга риоя этилишини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тўғри юритилишини ва ишончилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа ахборот олувчиларга маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш. Йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида Кузатов кенгашига ҳар чорақда ҳисобот бериш;

- жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, аудиторнинг талабига биноан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботларини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни сақлаш, агар унинг вазифалари доирасига бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- Жамият ходимлари томонидан расмий ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш ва Жамият ходимларининг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- меҳнат ва технологик интизоми сақланишини таъминлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;
- жамоа шартномаларида иштирок этиш, жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида ҳаракат қилиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- ўз ваколатлари доирасида ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни Акциядорлар умумий йигилишига ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш, ваколат доирасида қарорлар қабул қилиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларини риоя этилишини таъминлаш;
- амалдаги Қонунчилик ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

3.5. Жамият Бош директорнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан тузилган контракт (меҳнат шартномада) назарда тутилади.

#### **IV. БОШ ДИРЕКТОРНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Агар Бош директор акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди

4.2. Бош директор жамиятнинг мулкани тасарруф этишдан шахсий имтиёзларни олиш ҳаракатларига йўл қўймаслиги керак.

4.3. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари шарт.

4.4. Жамият Бош директори ушбу лавозимда ишлаш пайтида фаолияти маҳсулот сотиш ёки Жамият хизматларини кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган корхоналарни ташкил этиш ёки ташкил этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзолари Жамиятда бирор лавозимга тайинланганда бошқа ўхшаш корхоналарда иштирокларини тўхтатиб туришлари ва ушбу тўхтатиб туриш тўғрисида Жамият Кузатув кенгашига хабар беришлари шарт.

4.5. Жамият Бош директори ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаш учун жавобгар бўлади.

4.6. Жамият акцияларининг камида бир фоизига эга булган жамият ёки акциядор (акциядорлар) жамият Кузатов Кенгаши аъзоси, жамият директорига ёки бошқарув кенгаши аъзосига, шунингдек ишончли бошқарувчига жамиятга етказилган зарарнинг урнини қоплаш тугрисидаги судга мурожаат қилишга ҳақли.